

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги "Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5538-сонли Фармонида мувофиқ:

1. Куйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилга ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унда куйидагилар назарда тутилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) ўқувчиларнинг таълим соҳасидаги ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро дастур рейтинг бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакатига қаторига киришига эришиш;

узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек, профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;

халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш;

халқ таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;

ёшлар тарбиялаш ва уларнинг баднгарий таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш;

давлат-хусусий шериклини ривожлантириш ҳисобига давлат таълим тизимида рақобат муҳитини кенгайтириш;

ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш;

халқ таълими тизимида фаолият кўрсатишнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш;

б) Ўзбекистон Республикасининг халқ таълими тизимини 2030 йилга ривожлантириш концепциясини 2019 йилда амалга ошириш бўйича "Йўл харита"си (кейинги ўринларда – "Йўл харита"си) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Концепция тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлар ва асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар йили алоҳида тасдиқланадиган "Йўл харита"си орқали босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Давоми 2-бетда ➡

ОДАМИЙЛИКНИНГ ЮКСАК МЕЗОНИ



9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида Президентимизнинг жорий йил 23 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жойларда маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг уйларига бориб, уларни сийлаб, кўнгилларини кўтармоқдалар.



Фармонга кўра, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 74 йиллиги нишонланиши муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашлари ва ногиронларига 7 500 000 сўм миқдорида бирийўла тўланадиган пул муко-

фоти тантанали ва байрамона вазиятда топширилиши таъкидланди. Жойларда байрам тадбирлари Президентимиз қарорида кўрсатилганидек, "Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият" ҳамда "Эътибор ва ғам-

хўрлик – инсоний бурч" шиорлари остида тантанали тарзда ўтказилаяпти.

Давоми 4-бетда ➡
Нозим ИСМОИЛОВ
олган суратлар

ҲАЁТБАХШ ТАШАББУСЛАР ТАРАННУМИ

Аввал хабар қилганимиздек, жорий йилнинг 19 март кунини Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш механизмлари, бунда эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар атрофлича муҳокама қилинган эди. Мазкур ташаббуслар ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

□ Хайрия акцияси

Президентимизнинг бешта ташаббуси ижроси вилоятимизнинг Бўқа туманида кенг кулоч ёзаётди. Худудда ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари жадал тус олган. Тез орада Бўқадаги барча маданият уйлари, кутубхоналар янги сифат босқичига кўтарилади, спорт иншоотлари ва техник база бутунлай янгиланади.

Ана шу хайрли ишларни янада жадаллаштириш, бунёдкорликларда иштирок этаётган ёшларни ил-

ҳомлантириб, ҳоли кайфиятини кўтариш мақсадида Олмаликдаги "Металлург" мрказий стадионида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Маданият вазирлиги ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан тантанали мароси ўтказилди.

Байрам тадбини вилоят ҳокими Ғ. Ибрагимов очиб берди. Вилоят ҳокими ўз аърузасида давлатимиз раҳбаримонидан илгари сурилган бешта ташаббусни амалга оширишнинг иринчи манзили

бўлган Бўқа туманидаги оламшумул ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари У. Муҳаммадиев минтақада, жумладан, Бўқа туманида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, барчани ушбу ташаббуслар рўйида фаолликка чорлади.

Маросимнинг бадий қисми ниҳоятда шукуҳли ўтди. Унда эл суйган машҳур ҳофизлар, таниқли эстрада хонандалари иштирокида хайрия концерт дастури намойиш этилди. Стадионга йирилган барча томошабинлар мириқиб қўшиқ тинглаб, маза қилиб рақсга тушиб, маданий ҳордиқ чиқаришди.

Ўз мухбиримиз



□ Муносабат

Аждодлар хотирасини ёд этиш, инсон қадри ва манфаатларини улуғлаш, юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатиш халқимизнинг эзгу ва олижаноб фазилатларининг яққол тимсолидир.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК – ИНСОНИЙ БУРЧ

Мамлакатимизда ҳар йили 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни кенг миқёсда нишонланиши ҳам инсон қадри азий юртда Ватан тақдири, унинг тинчлиги учун жон берган, фидойилик кўрсатган инсонлар номи ҳеч қачон унутилмаслигидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида ҳам уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, юрт тинчлиги ва озодлиги йўлида фидойилик кўрсатган ватандошларимиз хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар мужассам. Ушбу ҳужжатларда фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган қаҳрамонлар, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ўғлонлар хотирасини эъзозлаш, оловли жангхўлардан омон қайтган боболаримиз, фронт ортида оғир кунларда сабр-бардош билан меҳнат қилган момоларга ҳурмат кўрсатиш, улар ҳаётига янада мазмун бағишлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгилангани барчамизга, айниқса, уруш фахрийларига чексиз қувонч, фахр-ифтихор бахш этди. Бунини вилоятимизнинг турли ҳудудларида умумгазаронлик қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг куйидаги миннатдорлик фикрларидан ҳам билишимиз мумкин.

4



Давоми 2-бетда ➡

РАИСЛИК МАНСАБ ЭМАС, МАСЪУЛИЯТ

Бугундан Республикаимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) сайлови бошланди. Мазкур воқеа юртимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий жараён саналади. Сайловнинг ирри ташкил этилиши, шаффоф ва ҳаққоний ўтказилиши орқали маҳаллаларнинг бошқарилиши, оилаларнинг тинч-тотув яшashi, ҳозирги пайтда кўпайиб бораётганримларнинг камайиши ва энг аҳамиятлиси жиноятчиликнинг жиловланишига эришади. Негаки, муносиб номзод маҳалласи тараққиётини ўйлайди.



Хўш, мана шундай муҳим жараёнга тайёргарлик вилоятимизда қай даражада олиб борилади?

Вилоятимиздаги жами 1 минг 26 та маҳалла фуқаролар йиғинида сайловлар ўтказилиши белгиланган бўлиб, вилоят ҳокимлиги, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳамда маҳалла кенгашлари томонидан сайловларга пухта тайёргарлик кўрилди. Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашув-

чи вилоят комиссияси тузилди ва ҳар бир туман ҳамда шаҳарларда штаблар ташкил этилди. Штаблар керакли моддий техник база, компьютер ва бошқа ускуналар билан жиҳозланди.

Шунингдек, сайлов ёшига тўлган фуқароларнинг умумий сони шакллантирилди. Унга кўра, вилоятда сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган 1 млн. 788 минг 835 нафар сайловчи номидан 216 минг 641 нафар вакил сайловларда иштирок этиши кутил-

моқда. Барча фуқаролар йиғинларида сайловлар фуқаролар вакилларининг йиғилиши шаклида ўтказилиши белгилан-

□ Жараён

ди. Мазкур йиғилишларни самарали ўтказиш мақсадида ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, вилоят бўйича 5 минг 848 нафар ходим гуруҳ таркибига кiritилди. Бу ҳар бир маҳаллага ўртача 6 нафардан кўмакчи тўғри келади, дегани. Уларга

муносиб т-шароит яратиш мақсадида ҳаллий бюджетдан 823 сўмдан ортиқ маблағ айлди.

Ма бўлишича, маҳаллийловларнинг 779 таси абларда, 67 таси касб- коллежларида, 21 таси тўларда, 159 таси корхона ашқилотларда ўтказилишжаалаштирилган. Туман ва р ҳокимликлари билан бирда зарур бўлган 803 та оериш кабинаси ва қутилағовга шай ҳолатга келтир.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ
КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бета

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига: ҳар йили 1 декабрга қадар ўтаётган йил бўйича тасдиқланган "Йўл харита"сини пухта ўрганиш асосида келгуси йил учун "Йўл харита"си лойиҳасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

"Йўл харита"ларининг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг юритиш ва унинг натижаларини ҳар чора-да Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб бориш вазифалари юклансин.

3. Қуйидагилар мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин: республика бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари;

имтиёзли хорижий кредитлар ва грантлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари; қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимовга – Концепция ва "Йўл харита"сини ижро этиш юзасидан масъул вазирликлар ва идоралар фаолиятини самарали ташкил қилиш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш, "Йўл харита"лари бажарилиши юзасидан ўтказилган мониторинг натижасида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига – Концепция ва "Йўл харита"сида назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш. Х. Шерматовга – Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини кенг еришти бўйича чиқишлар ҳамда мавзуга оид кўрсатувлар ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилиш юзасидан.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2019 йил 29 апрель

Кейинги йилларда Ўзбекистон тиббиётини комплекс ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинган соҳада тўлғаниш қолган муаммоларни бартараф этишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларнинг турмуш сифатини яхшилаш тизимини такомиллаштириш, таълим олиш ва ишга жойлашишда ҳар томонлама қўмаклашиш чоралари кўрилмоқда.

□ Долзарб мавзуда суҳбат

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бу борада йўлга қўйилган фаолиятлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси юзасидан мунтазам парламент назорати олиб борилади. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ван, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан ҳам "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг Тошкент вилоятида ижро этилиши ҳолати ўрганилди.

Хўш, вилоятда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари қай даражада ҳимоя қилинаётган? Шу қаби саволлар билан Сенатнинг Ван, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Зайниддин Низамходжаевга мурожаат қилдик.

– Аввало, таъкидлаш керакки, мамлакатимизда тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди, – дейди сенатор З. Низамходжаев. – Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир аниқ вазифалар белгиланган эди. Шу боис, биз парламент аъзолари жойларда мазкур йўналишдаги фаолиятни мунтазам ўрганимиз. Масалан, Тошкент вилоятида ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган шароитлар қўмита аъзолари томонидан таҳлил қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг сони 608 минг 528 нафарни ташкил қилади. Уларнинг 47

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ҚАНДАЙ
МУАММОЛАР ЮЗАГА КЕЛМОҚДА?

минг 598 нафари, яъни 8 фоизи эса Тошкент вилоятида истикомат қилади. Вилоятда бу кўрсаткич сўнгги икки йил мобайнида 5,8 фоизга ошган. Уларнинг аксарияти руҳий, асаб, қон айланиши, суяк-мушак тизими ва кўз касалликлари ҳамда турли жароҳатлар олган беморларни ташкил этади. Бундан ташқари, вилоятда 24 та ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасида 4 минг нафарга яқин болалар, 12 та ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатда ҳамми 2 минг 303 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Айтиш керакки, бош ва бирламчи ТМЭКлар томонидан 2018 йил давомида вилоят бўйича 134 нафар фуқаронинг ногиронлик гуруҳи тўлиқ, 536 нафари эса қисман реабилитация қилинган, 3 минг 298 нафар ногиронлиги бўлган шахсга ногиронлик гуруҳи муддатсиз берилган.

– Тошкент вилоятида ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ишлар қай даражада олиб борилаётган?

– Хабарингиз бор, мамлакатимизда бу борадаги фаолиятлар "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун асосида тартибга солинади. Шу ўринда айтиш керакки, биз сенаторлар ҳудудларда ушбу йўналишдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

ижросини мунтазам ўрганиб борамиз. Жумладан, яқинда Тошкент вилоятидаги ҳолат ҳам таҳлил қилинди. Вилоятдаги ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар, мактабгача таълим муассасалари ва уйда яққа тартибда таълим олаётган ногиронлиги бўлган болалар учун қонун талаблари асосида шарт-шароитлар яратилмоқда. Аммо, тиббий-механт эксперт комиссиялари (ТМЭК) фаолиятида қўлга киритилган муваффақиятлар қаторида камчиликлар ҳам аниқланди. Аввало, масъул дала

ишлари ўртасида статистикнинг юритилиш механизми такомиллашгани, вазирлик ва идораларнинг яна таълим муассасалари яратилагани таъкидлаш зарур. Масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўлмутига кўра, 2019 йил 1 январь олатига кўра, Тошкент вилоятида 4 минг 598 нафар ногиронлиги бўлган шахс бўлса, Молия вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари Пенсия жағармаси 48 минг 225 нафар, Давлат статистика қўмитаси эса 55 ми 430 нафар ногиронлиги бўлган шахсга мавжуд, деб ҳисобламоқда. Яна б жихат, аҳолининг ушбу қатламга бандлигини таъминлаш ишларидаги боришлар билан қаралиб, аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Бу борада вилоят ТМЭК қўмитадан Бандликка қўмаклашиш йўналишларига жами 1 минг 109 та вазифа берилган бўлса-да, уларнинг яғи 56 нафари, яъни 5 фоизи ижро қил эдилган.

Айтиш керакки, вилоятда мавжуд ижтимоий соҳа объектида ҳам аҳолининг мазкур қатли эркин ҳаракатланиши учун шарт-шароитлар яратиш бериш борасида мунтазам чора-тадбирлар қўмоқда. Аммо, ҳали бу борада қандайдиган ишлар талайгина. Бир хатта эътибор қаратмоқчиман, қарият ижтимоий соҳа объектида ан

рнинг 50-60-йилларида қурилганлиги сабабли ногиронлиги бўлган шахсларнинг юқори қаватларга кўтарилишида муаммолар туғдирмоқда. Бундан ташқари, Қирғай туманидаги 42-сонли таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати болалар учун мўлжалланган парта ва стуллар билан жиҳозланмаган. Ҳатто, Чирчиқ шаҳри ва Зангиота, Тошкент, Ўрта Чирчиқ туманлари тиббиёт бирлашмасининг поликлиникаларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг

юқори қаватларга чиқиши учун шароит яратилмаган, махсус пандуслар ўрнатилмаган. Бу эса уларга хизмат кўрсатишда қатор қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

– Аҳолининг мазкур қатлами учун жамоат жойлари ва транспортда қулайликлар яратилганми?

– Хабарингиз бор, "Шаҳар йўловчилар транспортини бепул фойдаланиши тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, кўзи оғир шахслар ва унга ҳамроҳлик қилувчи фуқаролар учун шаҳар йўловчи транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиши мумкин. Аммо, вилоятдаги барча жамоат транспортини ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайликлар тўлиқ яратилган, деб айт

РАИСЛИК МАНСАБ ЭМАС, МАСЪУЛИЯТ

Дарвоқе, сайловгача бўлган жараёнда ишчи гуруҳлар томонидан номзодларнинг рўйхати шакллантирилди ва 4 та сектор раҳбарлари иштирокида учрашувлар ташкил қилинди. Суҳбатлар давомида 4 минг 52 номзоддан 2 минг 670 нафари раисликка тавсия этилди. Номзодларнинг 2 минг 96 нафари эркак, қолгани аёллар. Маълум бўлишича, аксарият ҳолларда амалда фаолият юритиб келаётган маҳалла фуқаролар йи

Бошланғич 1-бета

ғини раислари номзоди киритилган. Жумладан, Тошкент туманида 66 нафар, Нурафшонда 20, Чирчиқ шаҳрида 38, Паркент туманида 48, Бўқада 34, Ўрта Чирчиқда 54, Оҳангарон туманида 24, Қирғай туманида 70 нафар амалдаги раисларга қайта тавсия берилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, тавсия этилганлардан кўпчилигининг фаолияти қониқарсиз деб топишган. Кимдир ишни тизимли йўлга қўймаган, кимнингдир лоқайдлиги са

баб маҳалласида жиноятчилик кўпайган, яна кимдир оқсоқоллик номига номуносиб. Хўш, бундан қандай хулоса қилиш мумкин? Сайловда яна шу номзодларга овоз берамизми? Уларга "омад" қулиб, қайта сайланишда ва яна ўша фуқаролар йиғини эски ҳолича қолаверади, шундайми?

Ўрни келганда айтилик, давлатимиз томонидан маҳаллаларга кенг имконият, етарлича шароит яратилиб, катта ишонч билдирилмоқда.

Жорий йил май ойидан маҳалла раислари ва унинг қотиблари ойлик маошлари 1,25 бараварга, 1 октябрдан эса, 1,2 бараварга оширилиши кўзда тутилган. Бу ҳам оқсоқолликка талабгорларни кўпайтириб, соғлом рақобатни юзага келтиради. Шундай экан, барчамиз жараёнда фаол қатнашиб, маҳалламиз учун энг муносиб номзодни сайлашимиз керак.

Эрли НОБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

□ Жараён

Мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилади. Жойларда намунали семинарлар ташкил этилиб, малака ва кўникмалар ҳосил қилинди.

ТАЙЁРГАРЛИК
ПУХТА
БЎЛДИМИ?

Янгийўл шахридаги маданият ва санъат касб-хуна қоллежидан ўтказилган ўқув-семинар шу жараёнга бағишланди.

Семинарда сайловни ўтказишга қўмаклашиш бўйича масъул комиссиялар жараёни назорат қилувчи ва яқиний натижаларни чиқарувчи орган ҳисобланиши таъкидланди. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови тузилган ишчи гуруҳлар томонидан амалга оширилиши ҳам айтиб ўтилди.

– Айни вақтда шахримизда 15 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият юритади, – дейди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи шаҳар комиссияси раиси ўринбосари Абдуғани Абдумажидов. – Бу галги сайловда иштирок этиш мақсадида ўз номзодини қўйган 66 нафар фуқаро Республика ишчи гуруҳи аъзолари томонидан суҳбатдан ўтказилди. Яқунда улардан 38 нафари сайловда қатнашиш учун тавсия этилди.

Айтиш керакки, сайлов қонунчилигига мувофиқ, йиғин раислигига номзодлар қонда тарихида олий маълумотли бўлишлари кўрсатилган. Хўш, Янгийўл шахрида ушбу талаб қай даражада эътиборга олинди?

– Фуқаролар йиғини раиси лавозими учун сайловда иштирок этишга муносиб топишган 38 нафар номзодларнинг 15 нафари олий маълумотли, 19 нафари ўрта-махсус, 4 нафари ўрта маълумотлилар, – дейди қўмаклашувчи комиссия аъзоси Нўмон Орипов. – Шунингдек, номзодларнинг маълумоти, ҳаётий тажрибаси, соғлиги ва ёши ўрганиб чиқилди.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказишда тенг сайлов ҳуқуқи" белгиланган. Эътиборли жиҳати, жорий йилдаги сайловда янгийўллик ўн уч нафар олий маълумотли аёлларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлари кўрсатилишининг ўзи жаҳидат уларнинг фаоллиги янада ошётганидан далолатдир.

Муҳтасар айтганда, янгийўллик 5 минг 87 нафар вакил иштирок этадиган сайловларда маҳалла учун жон қўйдирадиган, меҳнатини аямайдиган масъулиятли ва ўз сўзини айта оладиган фуқаролар йиғини раислари сайланишига ишонамиз.

Нигора ЎРОЛОВА



«ОЛТИН ЎРТАЛИҚ» ТОПИЛАДИМИ?

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Қумовул" маданият саройида вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов сайёр қабул ўтказди.

□ Сайёр қабул

Қабулда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Улуғбек Мухаммадиев қатнашди.

Қарийб 5 соат давом этган сайёр қабул давомида жами 71 та мурожаат кўриб чиқилиб, ҳар бир масала жойида ҳал бўлишига эътибор қаратилди. Вақт талаб қиладиган, алоҳида ўрга

ниш жоиз кўрилган мурожаатлар вилоят ҳокимининг қатъий назоратида қилинди.

Шунингдек, жойлардаги масъулларнинг етарлича эътибор бермагани оқибатида тақдорланган муаммо, масалалар ҳам бўлди.

Шундай мурожаатлар бўйича вилоят ҳокимлиги ва

киллари зудлик билан жойларга чиқиб, муаммоларни ҳолатини бартараф этиш бўйича иш олиб борадилар. Вилоят ҳокимининг бу борада қарори қатъий: энг муаммолари, қанчалик мураккаб масала бўлган тақдирда ҳам – давлат ва фуқаро манфа

атларини уйғунлаштирадиган "олтин ўрталик" топиламагунча, ҳеч бир мурожаат назоратдан олинмайди.

Сайёр қабуллар давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар

□ Эътибор

Вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг "Ёшларга оид Давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури" асосида "Чирчиқ давлат педагогика институтида "Энг зукко талабалар" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

БЎШ ВАҚТ –
ХУШ ВАҚТ

Танловда аниқ ва табиий фанлар факультетининг "Парвоз", тарих ва тиллар факультетининг "Талабология", педагогика факультетининг "Устаси фаранглар" жамоалари учта шарт бўйича ўзаро куч синашдилар. Кўрик-танлов ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, салоҳият ва иқтидорларини намоён этиш учун имконият яратиш мақсадида ўтказилди.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган беллашувада "Талабология" жамоаси ғолиб бўлди. "Устаси фаранглар" иккинчи, "Парвоз" жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

Ўз мухбиримиз

кат, светофор ва пиёдалар йўлакларини махсус мосламалар билан таъминлаш бўйича деярли амалий иш қилинмаган. Ачинарлиси, бу борадаги ишларда масъулиятсизликка йўл қўйган мутасаддиларга ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳеч қандай чора қўрилмаган. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги эса маъмурий судларга ушбу ҳуқуқбузарлик бўйича муносабат билдирмаган.

– Вилоятда ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш жараёнлари қониқарлими?


– ТМЭК кўригидан ўтказиш ва ногиронлиги белгиланган оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мураккаблаштириб юборилгани аҳолининг ортиқча овозгарчиликка сабаб бўлмоқда. Хусусан, 2018 йил давомида вилоят бўйича 2 минг 283 нафар ногиронлиги бўлган шахс реабилитация марказига даволаниш учун юборилиб, тегишли ташхис қўйилган бўлса-да, уларнинг 1 минг 200 нафари, яъни 53 фоизи ўз ҳудудидаги ТМЭКларда қайтадан қўриқдан ўтган. Реабилитация марказида даволаниб чиққан минг нафардан зиёди, яъни 46 фоиз ногиронлиги бўлган шахснинг саломатлиги ўзгаришсиз қолган, шундан 29 нафарининг саломатлиги оғирлашган. Афсуски, ушбу қатламдаги фуқароларни реабилитация техника воситалари ва протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлашда сусткашликка йўл қўйилган. Ушбу маҳсулотлар билан таъминлаш даражаси ўртача 35 фоизни ташкил этмоқда. Масалан, 2018 йил давомида вилоят ТМЭК томонидан 661 нафар ногиронлиги бўлган шахсга ногиронлик аравачаси зарурлиги ҳақида хулоса берилган бўлса-да, амалда уларнинг 277 нафарига ушбу мослама тақдим этилган. Шунингдек, эшитишда нуқсонли бўлган 90 нафар ногиронлиги бўлган шахснинг 30 нафари эшитув аппарати билан, таянч-ҳаракати аппаратида нуқсонли бўлган 426 нафар беморнинг 157 нафари қўлтиқтаёқ билан, оёқ протези маҳсулотига муҳтож 292 нафар шахснинг 122 нафари мазкур маҳсулот билан таъминланган.

Ўрганишлар натижасида аниқланган муаммо ва камчиликлар юзасидан тегишли вазирлик ҳамда идораларга кўрсатмалар берилди. Улар ижроси юзасидан парламент назорати ҳам қўйилди.

Жонибек МАЪРУПОВ ёзиб олди.

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Бирлашган миллатлар ташкилотининг болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан мамлакатимизга 22,5 миллион доллар маблағ ажратилиб, бунинг ҳисобига вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати марказларида вакцина сақлаш омборларини ҳозирги кун талаби асосида қуриш ва реконструкция қилиш, барча вакцина сақлаш омборхоналарини совутгич жиҳозлари, автотранспорт, компьютер технологиялари билан таъминлаш режалаштирилган эди.



Реклама ўрнида



Куни кеча республикада биринчилардан бўлиб вилоятимиз учун мана шундай замонавий совутгичлар билан жиҳозланган вакциналар омборхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Республика солиқни сақлаш вазирлиги, Давлат санитария-эпидемиология маркази, Жаҳон солиқни сақлаш ва ЮНИСЕФ ташкилотидан вакиллар иштирок этди.

Дастлаб, "Хаваскор" рақс гуруҳининг жажжи қизалоқлари ажойиб рақслари билан йиғилганлар кайфиятини кўтаришди. Аслида ҳам мазкур иншоот мана шундай жажжи болажонларнинг ўйнаб-қулиб,

соғлом-ўсишлари учун хизмат қилади-да.

Тадбирда сўзга чиққанлар, дунё микёсида болалар касалликларининг турлари кўпайиб бораётгани, айниқса, бу хасталиклар мактаб ёшигача бўлган болаларда кўпроқ учраши ва бунга қарши курашда вакциналарнинг аҳамияти, шунингдек, вакцина сақланадиган омборхоналарнинг фаолияти ҳамда тутган ўрни ҳақида атрофлича маълумот беришди.

Вилоятимизда ҳозирги кунда бир ёшгача бўлган болалар 60 минг нафарга яқин. Бироқ, келгусида уларнинг сони янада ошишини ҳисобга олиб, 64 минг 400

нафар болани эмлашга етадиган вакцина омборини ишга туширдик, – дейди вилоят ДСЭНМ имунопрофилактика бўлими мудирини Насиба Тоирова. – Мазкур иншоотимиз 31 минг литр, яъни, 440 куб. метр ҳажмдаги вакциналарни сақлаш имконини беради. Бундан ташқари, омборхонада иккита совутгич камераси бўлиб, ҳаво ҳароратини доимий 2-8 С даражада ушлаб туради ва бу вакциналарнинг сифатли сақланиши учун жуда муҳим.

Маълум бўлишича, ЮНИСЕФ мамлакатимизда 21 та шундай омборларни қуриш ва реконструкция қилишда кўмак беради. Бу совутгичлар Шарқий Европа ва Марказий Осиёда энг яхши вакцина омборхоналари бўлиши кутилмоқда.

Биз ҳар бир боланинг ҳуқуқ ва саломатлиги таъминланиши тарафдоримиз, – дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн. – Бу каби хайрли ишларни амалга ошириш мақсадида ҳамкорларимиз билан биргаликда 190 та давлатда иш олиб бораёямиз. Барча гўдаклар, хусусан, алоҳида эътибор ва ёрдамга муҳтож болаларнинг манфаатлари йўлида ҳам хизмат қилмоқдамиз.

Маросим сўнгидан расмий лентани кесилиб, йиғилганлар вакцина омборхонаси билан танишишди.

Эрали НОРБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида салмоқли ишлар бажарилди. Сув ва канализация тармоқларини "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳалари изчил амалга оширилмоқда.

БАРЧА ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ОМИЛИ УЧУН

Президентимизнинг 2018 йил 30 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу хайрли ишларнинг амалий давоми бўлди.

Қарорда белгиланган топшириқлар, вазифалар юзасидан вилоятимизда ҳам ишлар бошланган бўлиб, туман марказларидаги кўп қаватли уйларнинг канализация тизими "Обод маҳалла" дастури асосида қайта таъмирланмоқда.

Чиноз шаҳарчасининг "Бунёдкор", "Ёшлик", "Тинчлик" ва "Навоий" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 68 та кўп қаватли уйнинг канализация тизими ҳам анча йиллардан бери қаровсиз ҳолга келиб, эскириб қолган, ҳатто, айрим қисмлари бутунлай ишдан чиққан эди. 1968, 1972, 1980-йилларда собиқ йўл индустрия саноат комбинатида ишловчи ходимлар учун қурилган мазкур уйларнинг канализация тизими ўшандан буён бирор марта реконструкция қилинмаган. Натижада, ёз-куз мавсумида бу ердан чиқаётган бадбўй хидга чидаб бўлмасди. Бу аҳолининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлаётган эди. Ниҳоят, бу муаммолар ижобий ечим топди.


Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори Чиноз шаҳарчасининг оқова тизимини реконструкция қилишда муҳим ҳодиса бўлди, – дейди вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонаси масъул ходими Ж. Тўрахонов. –



Аслида Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йилги тегишли баёнига кўра, 32 миллиард сўм маблағ эвазига 2017-2018 йилларда Чиноз шаҳарчасида жойлашган 68 та кўп қаватли уйнинг оқова тизимини қуриш, тозалаш иншоотини реконструкция қилиш, бир донга оқова тозалаш иншоотини ўрнатиш, Д-150-500 мм.ли жами 11 км. оқова сув қувурини алмаштириш ишлари амалга оширилиши керак эди. Бироқ, қурилиш-монтаж ишларининг молиявий манбаси аниқланмаганлиги сабабли ушбу вазифалар вақтинча тўхтаб қолган эди. Қарорда қурилиш-монтаж ишларининг молиявий манбаси аниқ белгилангани боис, тўхтаб қолган вазифаларга киришилди. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонаси лойиҳа институти билан ҳам-

корликда қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа ва смета ҳужжатларини тайёрлаб, экспертиза ҳулосасини олишди.

Масъул ходимнинг айтишича, айти пайтда қурилиш-монтаж ишларининг манзилли дастури тегишли идоралар билан келишиб, тасдиқланган. Пудрат ташкилотлари билан шартнома расмийлаштириш бошланган. Энг муҳими, Чиноз шаҳарчасидаги 68 та кўп қаватли уйнинг оқова тизими реконструкция қилинаётганидан шу ердаги аҳоли жуда хурсанд.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ "СУВОҚОВА" ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

Реклама ва эълонлар

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очик аукцион савдосига АТ "Халқ банки" Тошкент вилояти Зафар филиалининг 25.04.2019 йилдаги №09-01/106-сонли буюртманомасига асосан ўз тасаруфиде бўлган Тошкент вилояти, Бекобод тумани, "Янги ҳаёт" МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 39,68 кв.м.дан иборат, бошланғич нархи – 26 828 000 сўм бўлган "Янги ҳаёт" МФЙ мини банки биноси қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2019 йил 30 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-

уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2019 йил 30 май куни соат 11.00 да сотилмаган тақдирда, тақририй савдолар 2019 йил 13 ва 27 июнь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Иштирокчилар кўчмас мулк билан тегишли "Халқ банки" филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закатал кели-

шувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закатал пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000100757166001, МФО 01132, СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш куни олдин тўхтатилади. Савдо голибига аукцион савдоси натижалари

бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.
Тел: +998-71-236-25-53. Веб сайт: www.capitaltrust.uz

Лицензия RR – 0298.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 1 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-12, кундузи 21-23 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда куннинг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 20-25 даража илқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8, кундузи 13-18 даража илқ бўлади.

"JAYRON KREDIT" МЧЖнинг 2018 йилги бухгалтерия баланси

(минг сўмда)						
№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	14191	17052	Устав капитал	595000,0	595000,0
2	Узоқ муддатли инвестициялар	0,0	0,0	Кўшилган капитал	0,0	0,0
3	Капитал қўйилмалар	0,0	0,0		Резерв капитал	89756,0
4	Товар-моддий захиралари	3385	1096	Таксимланмаган фойда	335847,0	167041,0
5	Дебиторлар	143680	133532	Максадли тушум ва фондлар	0,0	0,0
6	Пул маблағлари	21963	17599	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	0,0	0,0
7	Қисқа муддатли инвестициялар	1137740,0	901975,0	Узоқ муддатли мажбуриятлар	0,0	0,0
8		0,0	0,0	Жорий мажбуриятлар	300356	219457
	Жами, активлар	1320959,0	1071254,0	Жами, пассив	1320959,0	1071254,0

Жамиятнинг 2018 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

(минг сўмда)		
Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Махсулот сотишдан тушган соф тушум	1336025,0	
Сотилган махсулотлар таннари		
Махсулот сотишдан тушган ялпи фойда	1336025,0	
Давр харажатлари, жами:		491875,0
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	200434,0	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	1044584,0	
Фоизлар шаклидаги харажатлар		12283
Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда	1032301,0	
Даромад (фойда) солиқ		146140
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар		
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	886161,0	

Жамиятнинг 2018 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари МЧЖ шаклидаги "TRANS-AUDIT-A"АО" аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

"STOLICHNIY KREDIT" МЧЖнинг 2018 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	(минг сўмда)	
					Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	17179,5	18983,97	Устав капитал	530000	530000
2	Узоқ муддатли инвестициялар	0,0		Кўшилган капитал	0,0	
3	Капитал қўйилмалар	0,0		Резерв капитал	76179,6	80679,58
4	Товар-моддий захиралари	4772,8	7020,8	Таксимланмаган фойда	225580,1	559269,4
5	Дебиторлар	102798,7	131802,51	Максадли тушум ва фондлар	0,0	
6	Пул маблағлари	26499,9	23056,74	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	0,0	
7	Қисқа муддатли инвестициялар	683830,0	1324640,0	Узоқ муддатли мажбуриятлар	0,0	
8				Жорий мажбуриятлар	3321,2	335554,99
	Жами, активлар	835080,9	1505504,0	Жами, пассив	835080,9	1505504,0

Жамиятнинг 2018 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

(минг сўмда)		
Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Махсулот сотишдан тушган соф тушум	1179668,0	
Сотилган махсулотлар таннари		
Махсулот сотишдан тушган ялпи фойда	290332,2	
Давр харажатлари, жами:		195681,3
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари		
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	1274318,9	
Фоизлар шаклидаги харажатлар		99673,8
Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда	1174645,1	
Даромад (фойда) солиқ		165757,7
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар		
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	1008887,4	

Жамиятнинг 2018 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари шаклидаги "ODIL AUDIT" аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Халқ депутатлари вилоят Кенгаши вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимовга қайнонаси

ТУРСУНОЙ аянинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1989 йилда Мусакулова Зулфия Джурбаевна номига берилган № 768131-сонли (рўйхат рақами 12) шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор ҚФЙ, Самарқанд кўчаси, 5-уйда рўйхатга олинган СТИР рақами 304190094 "ZHENG DA" МЧЖ, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор ҚФЙ, Самарқанд кўчаси, 5-уйда рўйхатга олинган СТИР рақами 304351304 "JU-FU" МЧЖ таркибига тўлиқ бирлаштирилади ҳамда "JU-FU" МЧЖ "ZHENG DA" МЧЖнинг ҳуқуқий ворисига айланади.

Маълумот учун телефон: (97) 480-42-25.

ОДАМИЙЛИКНИНГ ЮКСАК МЕЗОНИ

Хозирги кунда вилоятимизда 111 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари умргузaronлик қилишмоқда. Уларни эъзозлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳр-оқибат кўрсатиш борасида тегишли ташкилотлар томонидан барча зарур ишлар бажарилмоқда. Вилоятимиз бўйлаб бундай хайрли тадбирлар аллақачон бошлаб юборилган.

Жумладан, Олмалик шаҳридаги "Тоғмаҳал" тантаналар мажмуасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдурахим ота Мавлоновнинг 100 ёшлик юбилеи ўтказилди.

Маросимда Беларусь давлатининг мамлакатимиздаги фахрулоҳида ва мухтор элчиси, Президент административияси масъул ходимлари, вилоят ҳокимлиги ва жамоат-

чилик вакиллари иштирок этди.

Абдурахим Мавлонов Иккинчи жаҳон урушида Беларусини немис-фашист босқинчилардан озод этишда қатнашиб, қаҳрамонлик кўрсатган.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Рустамов таъриф буюрган барча меҳмонларни қутлаб, Абдурахим ота каби мард, довурак инсонлар босиб ўтган ҳаёт йўли ёшлар учун ибрат мактаби эканини алоҳида таъкидлади ва отахонга Ўзбекистон фуқаролик паспорти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси – "Дамас" русумли авто-



машина калитини топширди.

Беларуслик меҳмон ўз сўзида мамлакатни озод қилишда кўрсатган жасорати учун Абдурахим ота Мавлоновга ташаккур изҳор қилди. "Беларус халқи ва давлати сиз каби инсонларни ҳамиша ёдда сақ-

лайди ва унутмайди. Шу йил 3 июнь кунини мамлакатимиз фашизм балосидан озод қилинганига 75 йил тўлади. Орадан қанча вақт ўтса ҳам биз ўша оғир кунларда халқимизга ёрдам берган собиқ иттифоқ аскарларини шараф билан ёдда сақлаймиз", деди пировардида элчи жаноблари.

Беларусь тупроғини озод этишдаги қаҳрамонона иштироки, шунингдек, таваллудига 100 йил тўлиши муносабати билан Абдурахим Мавлоновга Беларус халқи ва давлати номидан замонавий русумдаги трактор, миннатдорлик мактуби ҳамда фахрий ёрлик топширилди.

Мухтасар айтганда, Хотира ва Қадрлаш куни нафақат бизнинг менталитетимизга хос қадрият, балки давлатларни яқинлаштирувчи байрам ҳамдир. Чунки, бу



Хотира ва
Қадрлаш куни

ЭЪТИБОР ВА ҒАМҲҲҮРЛИК –
ИНСОНИЙ БУРЧ

Камол РИХСИБОВ,
Янгийўл тумани,
"Намуна" маҳалласи:

– Ёшингиз бир жойга бориб қолганида эшикдан кимдир йўқлаб келса, кўнглингиз равшан тортиб, ўзингизни тетик сезасиз. Давлатимиз раҳбари бошчилигида кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бизга ана шундай кайфият улашаётди. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Президентимиз томонидан имзоланган қарорда ғалабага ўз ҳиссасини қўшган, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, куч-қувватини аямаган ҳар бир фахрий, ҳар бир киши хотираси абадийлаштирилиши, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши айтилган. Бундай эҳтиромдан албатта, жуда шодландик.

Бекмирза АБДУСАЛОМОВ,
Охангарон шаҳри,
"Янгиобод" маҳалласи:

– Уруш даҳшатлари, унинг фожияли оқибатлари ҳақида набираю, эвараларимга, ёшларга сўзлаш асосида, юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, уни кўз қорачигидек асраш кераклигини уқтираман. Дарҳақиқат, бугунги дорилламон кунлар учун ҳар қанча шукрона айтсак арзийди. Ўртбосимиз томонидан саломатлигимизни мустаҳкамлаш, турмушимизни янада фаровонлаштиришга қаратилган эътибор ва ғам-ҳўрликлар бизга куч-қувват бағишлайди. Шундай дамларда яна йигитлик чоғимга қайтиб, Ватаним учун хизмат қилгим келади.

Тошмурад ҚОСИМОВ,
Юқори Чирчиқ тумани:

– Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилимоқда. Уруш йилларини эслаганимда бугунги тинч-осойишта ва фаровон ўтаётган ҳар бир кунимиз учун шукроналар айтман. Ёшлар билан учрашувларда ўтмиш хотираларим, ҳаёт тажрибамдан сўзлаб, бугунги дорилламон кунларнинг қадрига етишни, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, яхши ўқиш, изланиш кераклигини насихат қиламан.

Тоғжой АЗИЗОВ,
Зангиота тумани:

– Ўша машғум уруш жангҳо-ларидан омон қайганимиз тақдирнинг катта мукофоти бўлса, юртимиз мустақил бўлгани, бугунги дорилламон кунларини ҳам кўриб юрганимиз Яратганимиз марҳаматидир. Президентимиз биз, уруш фахрийларига кўрсатилган ғамхўрлик, иззат-икром эса қалбимизни қувончга тўлдирмоқда. Аҳждорларини хотирлаб, фахрийларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётганлар ҳеч ҳам кам бўлишмасин.

К. САЛОМОВА
тайёрлади.

Бизга ёзадилар

УРУШ ФАХРИЙСИГА ЕР АЖРАТИЛДИ

Таҳририятга Бекобод шаҳрида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Турсункул Мусурмонкулов номидан хат келди. Хатда таъкидланишича, Т. Мусурмонкулов 1942 йилда урушга кетиб, жанг майдонларида уч марта ярадор бўлган.

Хозирги кунда Турсункул ота аёллари, икки ўғил, икки келин ва икки набира билан уч хонали уйда яшаётганларини баён этиб, Бекобод шаҳар ҳокимлигига уй-жой масаласида қилган муносабатларини ижобий ҳал этишда таҳририятимиздан ёрдам сўраганлар.

Ушбу хатга асосан, Бекобод шаҳар ҳокими ўринбосари Алишер Дадабоев билан боғлангач, хат муаллифининг илтимоси қондирилгани маълум бўлди.

Бекобод шаҳар ҳокими З. Файзуллаевнинг 2019 йил 25 апрелдаги 730-сонли қарорига кўра, уруш қатнашчиси Т. Мусурмонкуловга тураржой қуриш учун шаҳар ҳудудидан 0,04 Га. ер майдони ажратилган.

Моҳият ВАҚИТ

Вақтим йўқ, дегувчилар – вақтининг қулдирлар. "Вақтим йўқ", дейиш бир баҳона. Бу баҳона билан одам бошқаларни эмас, аввало, ўзини алдайди. Худо бизга бир кеча қулдулда йиғирма тўрт соат вақт бериб қўйибди. Шу вақтининг эгаси ўзгалар эмас, ўзимиз. Ана шу йиғирма тўрт соатни тақсимлаш учун Яратувчи томонидан ақл, фаросат, эҳсон, неъматлар ҳам берилган. Одам вақтга қул эмас, хожа бўлмоғи керак. Биз беҳуда ишларга кўп маҳлие бўламизда, зарур юмушларга келганда "вақтимиз етишмайди", деб нолишни бошлаймиз. Хатто эрталабдан кенчага қарта уйнаб ўтирувчилар ҳам шундай деб ҳасрат қиладилар.

Тоҳир МАЛИК

Мухаммад ака ўз шеърларига қуйиб қўйгандек ўхшарди: содда, рост, самимий... Айтганча, самимий дегани нимани англатади, биродари азиз? Кўп ишлатилганидан деҳқоннинг кетмонидек ялтиллаб кетган бу сўзнинг қиёфаси қанақа? "Унинг шеърларидан самимият балқиб туради", деб ёзишди олимларимиз. Ҳеч тасаввур қилолмайман-да. Ёки бу юрак-

Мухаммад аканинг дастлабки шеърларини ўқиганимда қизғалдоқдор адирда почалари шимарилган ўспирин кўёшга қараб шошмасдан кетаётгандек туюларди. Яна унинг шеърларидан эндигона қўшқулоқ бўлган ялпизнинг хидларини туйардим. Хуллас, ғирт ўзбекча манзара, кайфият эди бу. Тўғри, ҳаммамиз ўзбекча ёзамиз, лекин ҳамма ҳам ўзбекча ёзолмас экан.

Мухаббат, эй гўзал изтироб,
Қоматимни букиб қўйдинг-ку.
Қўрагимга қўлингни тираб,
Юрагимни тўкиб қўйдинг-ку...


"Юрагим адо бўлди", "вайрон бўлди", "яра бўлди", хатто, "ҳарж бўлди" каби китобий жумлалар кўп. Мухаммад ака эса росмана халқона қилиб айтади. Юракнинг тўкилиб кетади.

Ёшиқдан жуда шеърсевар эдик. Яхши шеърлар ўз-ўзидан ёд бўлиб қоларди. Бир-биримизга айтиб чарчамасдик. Мусобақалашардик ҳам. Севимли шоирнинг суратларини альбом қиладиغانлар ҳам кўп эди. Қизик, газет-журналда чиққан расмига қараб одамнинг яхши-ёмонлигини сезса бўлади. Сизга ҳам шундай кўринадими? Мухаммад Юсуфнинг "Ёшлик"даги катта сурати деярли ҳамма талабаларнинг ётоқхонасида осиглик турарди. Ўша ним табассум, кўз алланечук ёшини қираган. Очиғи, баъзи қизлардан ўша расмларни рашк қилардик. Биз ҳам шоирликка ўзимизча номзод эдик-да.

1988 йил. Биз филология факультетининг иккинчи курс талабасимиз. Замон олаговур, рост-ёлгон аралаш, қизил империя тағига сув кета бошлаган даврларни яхши эсласангиз керак. Ижтимоий дард деганда, албатта, унга малҳамдек бўлиб Мухаммад аканинг шеърлари ёдингизга тушар. "Бободоҳон", "Ўзбек иши", "Нега йиғламайсан", "Уруш бўлмасин", "Пахта", "Биринчи синф болалари", "Сўроқ"... ҳар бири жамоатчилик томонидан катта воқеа сифатида қабул қилиниб, қизгин муҳокама-мунозараларга сабаб бўлган. Ўша йилги эр бошида Фарғонадаги Марказий стадионда катта концерт ташкил қилинди. Сизга ёлгон, менга чин, футбол томошасига бунча мухлис тушмайди: ўтиргани жой йўқ, тумонат одам. Сабаби бор-да, кимсан Таваккал Қодиров бошчилигида бўёғи Охунжон Мадалиев торини

Иқбол МИРЗО Ўзбекистон халқ шоири

УЛУҒИМ



созлаб турган бўлса, буёғда эса Анвар Обиджону Мухаммад Юсуфлар қиши қутिलाётган бўлса... Концерт ўз йўлига, Анвар аканинг олтириқча ҳазилга йўрилган шеърлари томошабинларни бир қийқирабди олди. Устоздан сўнг навбат "ёшларнинг севимли шоири Мухаммад Юсуфга" берилди. Мухаммад ака, ўзига хос сал қийрихонроқ одим отиб, минбарга қўтарилди. Стадион сув қуйгандек жим. Халқ ўз дардкаш шоирдан ҳар доимгидек қутилмаган бир шеър кутаяпти. Шоир

бир оз бўйқ, узук овозда "Дўппи" шеърини ўқий бошлади. Мен атрофга қарайман: минглаб мухлис нафас ютиб, саратонда чўллаган йўлчидек ютоқиб тинглапти. Ниҳоят шеър якунида фикр портади: "Бошга лойиқ дўппи йўқми, ё Бош қолмади дўппига лойиқ!" Стадион ларзага тушди. Одамлар жон-жаҳди билан қарсак урарди, ёшларнинг олқишлаб қийқирашидан қулоқлар батанг бўлди. Ёнимда ўтирган Абдулла дўстим қўли билан ишора қилиб бир нарсалар деди. Қарасам, бир киши майдонни кўндаланг кесиб шоирга қараб шитоб борапти. Минбарга энгил қутарилдию қўйнидан яп-янги Марғилон дўппини олиб, совринни кўз-кўз қилаётгандек боши узра кўтариб намоийш этди-да, меҳр билан, эҳтиром билан шоирнинг бошига қийғазди.

Ўша кун ошом Водилга – Турсунали полвоникига зиёфатга жўнадик. Мухаммад акалар алоҳида энгил машинада, биз полвоннинг томоша машинасида. Полвон акани биласиз, яхши шеърнинг, ҳақиқий шоирнинг қули. Эҳ-хе, бу дарёдил инсон туфайли қанчадан-қанча ижодкорлар бир-бирини таниган, топган, кўнгли угсан. Аканинг саховати ҳам ўшанча бор. Шу кеча ҳақиқий назм ва наво кеча-си бўлди. Асосий қаҳрамон, албатта,

Мухаммад ака турмушнинг майда икир-чикирларига берилмади, ўткинчи туйғуларга ўралашиб қолмади. Қуйлаганда бор овози билан, рўй-рост, баланд пардаларда қуйлади. Ҳаётини, ижодини буюк мақсадларга бағишлади. У ўз халқини, тупроғини, Ўзбекистонини беғараз яхши кўрарди. Ишончим комилки, агар керак бўлса, Ватан учун ҳеч ик-

киланмай жонидан кетишга тайёр эди. "Ўзбекистон менинг онам, кимки унга кўл кўтарсан, қиличини уриб синдираман", деганда ҳақиқий фарзанднинг, ориятли йигитнинг иқрорини, яъни ўзининг чин сўзини айтганди.

Аканинг Ватан ҳақидаги қўшиқлари минглаб ёшларни тарбиялади, тўғри йўлга солди. "Ҳеч кимга беғайимиз сени,

Ўзбекистон!" деб ҳайқирганда юракларга ларза тушди, Ватан қадрини, озодлик бахтини аниқлади. Ижодкорга қўйилган мезондан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак: "Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшасан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қиляпсан?" деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олди. Чунки

бундай саволни қўйишга унинг маънавий ҳуқуқи бор эди. Мухаммад Юсуф катта билим ва ҳаётий тажрибага, кенг дунёқараш, юксак ижодий маҳоратга эга, шу билан бирга, қучли ирода ҳамда фидойий юрак соҳиби эди.

Айни сифатлари билан Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф бизга унутилмас сабоқлар бериб кетди.

Эзгулик

Мактаб ўқувчилари ўртасида китобхонлиқни тарғиб этиш мақсадида Тошкент туманидаги 13-ҳамда 19-мактабларда ташкил этилган "Мактабимиз китоб совға қиламан" деб номланган марафон том маънода кўнгилларга мунавварлик олиб кирди.

«МАКТАБИМГА КИТОБ СОВҒА ҚИЛАМАН»



Тадбирда туман ҳокимлиги мутасаддилари, туман халқ таълими бўлими раҳбарлари қатнашиб, шахсий кутубхоналаридан жой олган китобларни ўқувчиларга тўхфа қилдилар. Ўз навбатида, мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар, ота-оналар ҳамда собиқ ўқувчилар "Uzdavkitobsavdota minot" МЧЖ томонидан ўтказилган адабий-бадий, илмий-маърифий китоб савдосида фаол қатнашиб, мактаб кутубхонасига ўнлаб китоблар совға қилдилар.

Ўз муҳбиримиз

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Хафтанинг
чоршанба ва шанба
кунлари чиқади.

Электрон
почталар:
thaqiqat@umail.uz
th-tp@inbox.ru

Қабулҳода:

Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул қотиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-шўб бўлими:

Телефонлар:

71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
71 233-70-10
71 233-90-82
71 233-38-23, 71 233-48-08
71 233-65-59
71 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририят компьютер марказида
теризли ва Тоҳир Маҳмуджозев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусахҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи
Жавлон ҲАЛИЛОВ

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Буюртма V-3351. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 7 590 нусхада чоп этилди.

ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.30.